

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

1994 йил 21 сентябрь • чоршанба

№ 70 (10.647). Сотувда эркин нархда.

ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганининг уч йиллиги муносабати билан Президент Фармонига биноан бир гуруҳ ватандошлар республиканинг олий ордени ва медаллари билан тақдирланган эди. 20 сентябрь куни Вазиirlар Махкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Уни Президент Ислол Каримов очди.

Мухтарам ватандошлар! Бугун биз қувончли ва ҳаяжонли бир воқеа муносабати билан учрашиб турибмиз, деди Президент. Маълумки, Мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасида Ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида алоҳида ўрнатилган юртдошларимиздан бир гуруҳи олий нишонларга сазовор бўлган эди.

Бугун биз "Дўстлик" орденини дастлабки соҳибларига топшириш ва уларни муборакбод этиш учун йиғилдик.

Лекин, ижозатларингиз билан, аввало сўзни уша фармонда биринчи бўлиб зикр этилган "Мустақиллик" орденидан бошласак.

Хабарингиз борки, "Мустақиллик" ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг моддий-маънавий ҳаётини мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар мукофотланади.

Бу юксак мукофотга биринчи бўлиб, буюк адиб ва улуг инсон Абдулла Қодирий сазовор бўлди. Ўзбек халқининг маънавияти ва матрифатини, миллий кадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир.

Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмаса керак. У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам сеvimли адиби, озодик ва истиқлол куйчисидир.

Бу буюк зот ўз жонини, ўз истеъдодини Ватанимиз эркинлиги ва мустақиллиги, халқимизнинг бахту саодати йўлида фидо қилди. Унинг ҳаёт ва ижоддаги саботи ва ҳалоллиги, авлодлар қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбия этиб келмоқда. Абдулла Қодирий — бизнинг замондошимиз, унинг муборак номи ва руҳи ҳамisha биз билан бирга.

Насиб этса, яқинда Ўзбекистон халқи Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлайди. Уша тантанали кунларда буюк эзувчимизнинг зуредларига Абдулла Қодирий

орзу этган ва азиз жонини бағишлаган буюк мақсад — Мустақиллик номи билан юритилган энг биринчи орденини топширамиз деган эзгу нијатимиз бор.

Мухтарам дўстлар!

Бобомиз Амир Темур: "Миллатнинг улуг мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир" деб авлод-аждоғларимизга васият қилган эканлар, дейди Ислол Каримов. Бугун юрт дарди билан яшаш, элга ҳалол меҳнат қилиш — улуг бобомизнинг насиҳатларини бажаришдир. Шундай гоё — мақсад билан яшаётган инсонлар бугун шу залда тўпланганлар.

Бугун сизларга — "Дўстлик" орденининг илк соҳибларига ана шу мукофотларни топшириш шарафидан беҳад мамнунман.

Бугун Ўзбекистонимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида биродарлик, ўзаро ҳамжихатлик ва тотувликни мустаҳкамлашда катта хизмат қўсатган, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, шундай олижаноб фаолияти билан эл-юртимизнинг равнақи, порлоқ истиқболи учун ҳисса қўшаётган — адиблар, олимлар, давлатимиз ва жамиятимиз арбобларини, кўп миллатли зиёлilar ва ишчилар — халқимиз вакилларини бағримга босмоқчиман ва уларни "Дўстлик" ордени билан чин қалбимдан табрикламоқчиман.

Ишонаманки, сизлар бу ордени фахр ва гурур билан кўксингизга тақиб юрасиз. Ишонаманки, бу орденилар ҳаммамизни сизлар каби элга сидқидилдан хизмат қилишга руҳлантиради.

Бугун сизларга ушбу мукофотларни топширар эканман, Ватанимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятингизга куч-гайрат, ташаббускорлик, шижоат тилайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик, ойнавий фаровонлик тилайман, ишларингизда доим омад ер бўлсин!

Президент Ислол Каримов фидокорона меҳнати, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун "Дўстлик" орденига сазовор бўлганларга юксак мукофотларни топширди. Шунингдек, Республика миллий хавфсизлик хизмати раиси Г. Алиев ва

Ўзбекистон Олий суди раиси У. Мингбоевга "Жасорат" медали топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримовга суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқларвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда бу борада қўсатган матонат ва жасорати учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 майдаги қарори билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилган эди. Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов ана шу юксак унвонни топшириб, "Олтин Юлдуз" олий нишонини юртбошимиз кўксига тақиб қўйди. Йиғилганлар Президент Ислол Каримовни олий мукофот билан қизгин қутлади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Б. Рапигалиев, А. Орипов, У. Аширбеков, Шукрулло, З. Муҳаммаджонов, Зулфия, И. Афанаев, Т. Екель, В. Пак, Т. Каримова камтарона хизматлари юксак қадрлангани учун миннатдорлик билдириб, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Ота-боболаримиз бир орзу билан яшаган, деди Ислол Каримов маросим сўнггида. Бу ҳам бўлса, шу юртни бахтли-саодатли қилиш. Илоҳим, шу уйимиз, ягона хонадонимиз — Ўзбекистонга қўнган бахт куши — тинчлик, осойишталик, барқарорлик бизни тарк этмасин. Юрт тинч, халқимиз ризк-рўзи тугал, фарзандларимиз омон бўлсин. Мен иродаси бақувват, иймони бутун халқимга яна бир марта таъзим қиламан. Ҳаммамизга Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш насиб этсин. Ана шу йўлда барчамиз елкадош бўлайлик!

Тантанали маросимда Республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

Аҳмад ХўЖА,
(ЎЗА).

Ш. ИБРОҲИМОВ ва Р. ЖУМАНИЕЗОВ суратлари.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

19 сентябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислол Каримов Янги Зеландиянинг Ўзбекистондаги факуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эдвард Ричард Вудзни қабул қилди.

Элчи ишонч ерлигини топширар экан, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун бор куч-гайратини сафарбар этишини маълум қилди.

Ўзбекистон раҳбари элчини гоёят

масъулиятли ва шарафли вазифа билан қўлаб, бундан буёнги фаолиятига муваффақият тилади.

Шу куни Ислол Каримов Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги факуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ким Ир Хекдан ҳам ишонч ерлигини қабул қилиб олди.

Ким Ир Хек ўз мамлакати билан азалий дўстлик ришталарига эга бўлган Ўзбекистонга элчи этиб

тайинланганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга элчи муносиб ҳисса қўшади деб умид билдирди.

Ишонч ерлиқларини топшириш маросимларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎЗА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов 19 сентябрь куни Туркия Республикаси давлат вазири Нажмиддин Жавҳарийни қабул қилди.

Сўхбатда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида

фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, Туркиянинг Ўзбекистондаги факуллода ва мухтор элчиси Эрдўғон Ойтун иштирок этди.

(ЎЗА).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси 1994 йил 22 сентябрда соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 21 сентябрь куни эрта билан соат 9 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар зали фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНING ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 22 сентябрь куни соат 9.00 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида бўлади.

• Вилоят ҳокимлигида •

МАРКАЗ БЎЛИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

КЕЧА вилоят ҳокимлигида республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиги марказининг Тошкент вилоят бўлимини ташкил этишга бағишланган таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Х. Ҳамидов очди ва олиб борди.

Сўзга чиққан республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиги марказининг раиси Э. Юсупов бўлимини ташкил этишдан мақсад ва унинг олдида турган вазифалар ҳақида қисқача тўхтади.

Шундан сўнг йиғилганлар бўлим кенгаши ва бошқаруви аъзоларини сайладилар.

Кўпчилик овозга кўра таникли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Кўлезмалар институтининг директори Азиз Қажумов республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиги марказининг Тошкент вилоят бўлими раиси этиб, марказнинг Тошкент вилоят бўлими раиси муовини лавозимига эса Ўзбекистон ХДП Қиррай тумани кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Раҳматилла Шералиев сайланди.

Йиғилишда Президент девонининг масъул ходими Муқимжон Қирғизбоев иштирок этди.

• Давлат тили ҳақидаги қонун қандай бажарилмоқда? •

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилишини назорат қилувчи республика комиссияси аъзолари яқинда вилоятимизда бўлиб, бу борада олиб борилаётган ишларни ўрганган эдилар.

Вилоят тил ва атамалар комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида ана шу текширишлар натижалари муҳокама этилди. Республика комиссияси аъзоси Ҳабибулла Бектемиров бу ҳақда ахборот бериб, жойларда амалга оширилаётган яхши ишларни таъкидлаш билан бирга, йўл қўйлаётган хато ва камчиликларни ҳам алоҳида таъкидлади. Жумладан, Олмалик,

Чирчик, Янгийўл шаҳарларида ҳужжатларни давлат тилида юритиш, русийзабон аҳолига ўзбек тилини ўргатиш учун махсус ўқув курслари ташкил этиш борасида нуқсонлар борлиги қайд этилди.

Йиғилишда давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилишида суस्तкашлик қилаётган туман ва шаҳар ҳокимликлари масъул ходимларининг ахборотлари тингланди, улар олдида камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди. Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовини Х. Ҳамидов иштирок этди ва сўзга чиқди.

• «Ҳосил — 94» •

ТЕЗКОР ГУРУҲ ХАБАР БЕРАДИ

Тел: 33-40-48, 33-70-10

• «Ҳосил — 94» •

● Пахтазорларимизда йиғим-терим ҳал қилувчи паллага кирмоқда. Мавжуд барча одам кучлари ва терим техникасини ишга тўла сафарбар этайлик.

● Куз ҳавосига ишонч йўқ. Ҳозир ҳавонинг авзоига қараб ўтирадиган вақт эмас. Дам фанимат. Ҳар бир қуёшли куннинг қадрига етайлик.

● Уюшқоқлик ва ташкилотчилик изчил йўлга қўйилган Чиноз, Пискент, Янгийўл туманларининг пахтакорлари теримда, олдинда бормоқдалар. Кунда йиллик режанинг 1-1,5 фоизидан ошириб пахта

тайёрланяпти.

● Афсуски, қатор туманларда эса суръат ҳамон паст. Суръат "оти"ни қамчилайдиган пайт келди.

● Азиз пахтакорлар, азамат механцаторлар ва чевар теримчилар, ҳиммат билан далага чиққан ҳашарчилар! Не-не меҳнат машаққатлари эвазига етиштирган мўл "оқ олтин" ҳосилини барвақт, нес-нобуд қилмай, йиғиб-териб олиш учун астойдил ғайрат-шижоат кўрсатайлик.

Тадбирлар қандай бажарилмоқда?

ГАП БИЛАН ИШ БИРМИ?

Пахтачиликка ихтисослашган хўжаликларда азалдан одатга айланган муҳим бир тамойил бор. Ҳар йили йиғим-теримга дахлдор тадбирлар ишлаб чиқилади. Одатда бу тадбирлар ниҳоят жиддий ва қатъий қилиб тузилади. Уларнинг бажарилишини таъминлаш учун жавобгар шахсларнинг исм-шарифлари ҳам кўрсатиб қўйилади. Киши белгиланган ана шу тадбирлар сўзсиз амалга оширилса пахта йиғим-теримининг албатта муваффақиятли ўтишига ишонади. Лекин, минг афсуски, баъзи хўжаликларда бу муҳим йўл-йўриқлар ижроси таъминланмайди. Жавобгар шахслар масъулиятни унутиб қўядилар. Чунки назорат йўқолган бўлади. Бундай хатога йўл қўйиш охирикўлатда ер чизиб қолишга олиб келади.

Бу йил ҳам хўжаликларда ана шундай тадбирлар ишлаб чиқилган. Ҳозир ҳамма жойда муҳим жараён пахта йиғим-терими мавсуми қизгин давом этапти. Хўш, шундай экан, юқорида таъкидланган тадбирларни бажариш жойларда қандай амалга оширилмоқда? Яқинда шу масалани ўрганиш учун Пискент туманидаги Аҳмад Дўсбеков номли илмий-тажриба жамоа хўжалигида бўлдик. Мана, қўлимизда ўша тадбирлар, унда таъкидланишича, бу йил жамоада 2036 гектар ерда пахта етиштирилган. Режа 5800 тонна.

Тадбирлар билан танишиб чиққач, уларнинг ижроси қандай бўлаётганини ўрганиб кўрдик. Жамоада ҳозирча белгиланган вазифалар тўғриси ва тўлиқ амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам йиғим-терими ишлари жадал давом этапти. Шу кунларда белгиланган 662 ўрнига 668 нафар теримчи пахтазорга чиқиб, фаолият кўрсатмоқда. Давомат дуруст. Дефолиация ишлари муваффақиятли якунланибди. Пайкалларнинг бош ва куйи қисмлари текисланиб, машина теримига пухта ҳозирлик кўриб қўйилди. Бундай натижаларга эришилаётганининг боси шундаки, тузилган тадбирлар ижросини жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, шахсан Сулаймон Абдуғафоровнинг ўзи қатъий назорат қилиб бормоқда.

— Иш устидан доимий текшириш бўлмаган жойда меҳнат унумдорлиги сўзсиз пасайиб кетади, — дейди раис, — биз бунга йўл қўймаслик учун тадбирлар ижросини астойдил таъминлашга ҳаракат қилаёلمиз.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлмоқда. Масалан, тадбирлар ишлаб чиқилгач, муҳокама этилиб, бошқарув йиғилишида тасдиқлангач, у ҳамма мутахассисларга тарқатилди. Орадан бир ҳафта ўтгач, ижроси текшириб кўрилди. Пахта йиғим-теримини ташкил этишда ва унга одамларни сафарбар қилишда совуққонлик ҳамда масъулиятсизликка йўл қўйгани учун бригада бошлиғи Очил Абдуллаев вазифасидан бўшатилди. Бошқа бригада етакчиси Маҳаммадали Боймуродов қаттиқ огоҳлантирилди. Теримчиларга ҳақ тўлаш учун ҳужжат тайёрлашни икки кунга асоссиз кечиктириб юборганлиги туфайли 2-бўлим ҳисобчиси Бозорбой Эшмирзаев ва 3-бўлим ҳисобчиси Рўзимурод Сандибоевларга қаттиқ хайфсан эълон қилинди. Бу ҳақда бошқарув қарори чиқарилиб, тарқатилди. Чунки, тадбирларда теримчиларга терган пахталари ҳақини ҳар беш кунда тўлаб бориш лозимлиги аниқ кўрсатиб қўйилган эди...

Тадбирларда пахта териш агрегатларини 15 сентябрга қадар тўлиқ таъмирдан чиқариб, тахт қилиб қўйиш аниқ кўрсатилган. Бу ишларнинг ижросини таъминлашга хўжалик бош муҳандиси Ҳалидулла Абубакиров масъул қилиб тайинланган. Афсуски, ҳозиргача мавжуд 44 та пахта териш агрегатларидан фақат 30 таси таъмирдан чиқарилибди, холос. Бу масала бўйича бош муҳандисга мурожаат қилганимизда у эҳтиёт қисмлар, хусусан, тракторларнинг балонлари умуман топилмаётганини айтди. Аммо барибир терим агрегатларини пахтазорга олиб кириш керак-ку!.. Вақт кўтиб турмайди, ахир. Бош муҳандис ва бошқа масъуллар бу муаммони ҳал этишга анча барвақт киришганида эди, эҳтимол, бутунги қийинчиликлар юз бермасди.

Пахта йиғим-теримини ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар мавсумни муваффақиятли ўтказишда муҳим дастур ҳисобланади. Шундай экан, уларнинг ижросида суस्तкашликка йўл қўйиб бўлмайди. Бугунги йиғим-терим ишлари қизгин паллага кирган ҳозирги кунларда у жуда муҳим ва бу гап ҳамма хўжалик раҳбарларига тегишлидир.

И. ТОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг махсус муҳбири.



Бўка туманидаги "Ачамайли" жамоа хўжалигида терим ишлари кундан-кунга авж олдирилмоқда. Бунда Рисбек Файзиев бошлиқ бригада деҳқонлари пешқадамлик қилаяптилар. Суратда: бригаданинг илғор теримчилари (ўнгдан чапга) Адолат Усмонова, Муборак Қорабоева, Анор Умирова, Каромат Нортोजиева сингари чеварларни кўриб турибсиз. Уларнинг ҳар бири мавсумда икки тоннадан пахта териб топширишга аҳд қилганлар. Кунига 140-150 килограмдан пахта теришмоқда.

Ж. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• Булар пахтакорлар хизматида

ТЕРИМЧИГА ҚУЛАЙ БЎЛСИН ДЭБ

"Тошкентвиллоятсавдо" ва "Тошкентвиллояттаом" концернлари, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси ҳам йиғим-теримда қатнашаётганларга малакали савдо хизмати кўрсатиш мақсадида мавсум олдидан тузиб олинган қатъий режа асосида иш олиб бормоқдалар.

Бевосита далада теримда қатнашаётганлар учун қулай вақтларда кундалик зарур озик-овқат ва саноят моллари савдоси уюштирилмоқда. Жумладан, айни кунларда пахтакор туманларда

"Тошкентвиллоятсавдо" концерни томонидан ташкил этилган 12-14 та авто дўконлар жадвал бўйича навбатма-навбат хизмат кўрсатмоқдалар.

Шунингдек, концернга қарашли акционерлик жамиятлари томонидан илғор теримчиларни рағбатлантириш мақсадида 2 минг донга совғалар тайёрлаб қўйилган.

"Тошвиллояттаом" концерни ҳам пахта теримида қатнашаётган ишчи-хизматчилар, талабаларни иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида 60 тонна ун, 20 тонна ёрма (шундан

15 тоннаси гуруч), бир тонна чой, 10 тонна макарон маҳсулотлари, 10 тонна ўсимлик ёғи, 1,5 тонна шакар, 10 тонна сабзавот-мева, 80 тонна картошка гамлаб қўйди. 210 нафар ошпаз эса ҳашарчи теримчилар хизматида бўлмоқда. 12 та автодўкончада эса сутли маҳсулотлар, қандолатлар, салқин ичимликлар билан савдо қилинади.

Вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси жамоа ва давлат хўжалиklarининг дала шийпонларида 35 та автодўконлар ташкил этган. Улар пахтакор туманлар бўйича тенг тақсим қилинган. Бу дўконлардан иссиқ кийимлар, этиклар, келиш, атир совун, тиш чўткаси, вазелин, гугурт, умуман энг зарур молларни харид қилиш мумкин.

З. ЖЎРАЕВА.

8 МИНГ ЧИРЧИҚЛИК ОТЛАНДИ

ЧИРЧИҚ шаҳри ва Ўртачирчиқ тумани меҳнаткашларининг ҳар соҳадаги ўзаро ҳамкорлиги ўз тарихига эга десак, муболага қилмаган бўламиз. Мана бир неча йилдан бери шаҳар туманга оталиқ қилмоқда. Чирчиқликлар қатори гўшт ва бошқа шу каби камёб чорвачилик маҳсулотларини ҳам бозордагидан анча арзон нархларда сотишапти. Деҳқонларнинг бу ҳимматидан чирчиқликлар беҳад мамнун бўлмоқдалар.

Айни вақтда ўртачирчиқлик чорвадорлар ва деҳқонлар ҳам қардор бўлиб қолаётганлари йўқ. Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек,

улар, аynиқса, бу йил Чирчиқда мева-сабзавот маҳсулотларини сотишни кескин кенгайтирдилар. Шаҳарда сайёр савдолар ташкил этиш яхши анъана бўлиб қолди. Бунда саҳий дала, боғларининг ноз-неъматлари қатори гўшт ва бошқа шу каби камёб чорвачилик маҳсулотларини ҳам бозордагидан анча арзон нархларда сотишапти. Деҳқонларнинг бу ҳимматидан чирчиқликлар беҳад мамнун бўлмоқдалар.

Пахта йиғим-терими оммавий тус олган ҳозирги паллада Чирчиқ шаҳар меҳнаткашлари-ишчилар, хизматчилар, ўрта махсус билим юрлари талабалари бу умумхалқ ишида фаол қатнашишга аҳд қилдилар. Ўтган йили Ўртачирчиқ пахтакорлари қаторида беш минг нафар атрофида шаҳарликлар ишлаб, минглаб тонна "оқ олтин" теришган бўлса, бу йил уларнинг сафини

саккиз минг кишига етказишга қарор қилинди.

Бундан ташқари, туман хўжаликлариде қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш учун барча анжомлар билан бутланган еттига автомобил кўчма устахонаси ишлаб турипти. Улардаги чилангарлар, газ пайвандчилар ва бошқа касб эгаси бўлган ўнлаб мутахассислар пахта териш машиналарини янги мавсумга тайёрлашда фаол қатнашдилар. Улар пахта йиғим терими давомида ҳам хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш билан шуғулланидилар.



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ПОЙТАХТ вилоятимиз экологларининг ишлари кўламини ва тури муттасил кенгайиб бормоқда. Улар ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, атмосфера ҳавоси, сув, tupроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёларининг ҳолати устидан мунтазам назорат олиб бормоқдалар ҳамда табиатни соф ҳолда сақлаш, атроф-муҳитнинг тоза бўлишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган кўпдан-кўп масалаларни ҳал қилишда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Уларнинг куч-гайрати билан шу йилнинг биринчи ярмида бир минг тўрт юзга яқин атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи, уни ифлослантирувчи объектлар тадқиқот қилинди. Шуниси ачинарлики, кўп корхоналар ва ташкилотларда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги кўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Албатта, бундай аҳволнинг юзага келишида айбдор бўлаётганларга нисбатан тегишли чоралар ҳам кўрилди. Тўрт юз нафарга яқин мансабдор ва масъул шахслар деярли 20 миллион сўм-купондан жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Табиатта ниҳоятда катта зарар келтираётган, ўзининг чиқиндилари, оқава сувлари билан атроф муҳитни ифлослантираётган 16 та объект иши тўхтатиб қўйилди. Улар орасида Охангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи ва иккинчи айланувчи печлари, чиқиндилар тўпланадиган участкалари бор. Уларда табиатни муҳофаза қилиш ишлари емон йўлга қўйилган. Олмалик кон-металлургия комбинати рух заводида куйдирувчи печи ҳам тўхтатиб қўйилди. Бу объектда нормада белгиланганига нисбатан бир неча баробар кўп ифлослар атрофга чиқариб турилган. Янгибозор йўл қурилиши бошқармасининг асфальт-бетон цехи ва бошқа қатор объектларнинг тақдири ҳам шундай бўлди. Табиатни муҳофаза қилиш нозирларининг талаблари билан улар тўхтатиб қўйилди. Сув ҳақидаги қонунчиликни бузганлиги учун ҳам қатор объектлардан фойдаланиш таъқиқланди.

Бу ишлаб чиқарувчиларни

табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан тезкор шугулланишга мажбур этди. Чунончи, "Электрохимсаноати" бирлашмаси аммиак ишлаб чиқариш сувни тозалаш цехига нисбатан шундай чора кўрилди. Чунки бу ерда ишлатилган сув яхши тозаланмасдан оби-ҳаёт манбаларига оқизиб юборилган. Кўрилган тадбир туфайли

туфайли цемент чангининг тарқалиши 64 тоннага камайди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг бўлиб ўтган коллегиаси мажлисида таъкидланганидек, ҳали ҳам табиатнинг мусоффолигини таъминлаш имконини берадиган барча омишлардан тўла фойдаланишга эришилаётгани йўқ. Охангарон, Бўстонлик, Бўка, Тошкент ҳудудий кўмиталарида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича нозирлик ишлари емонлашди. Уларда ҳар бир нозир ҳисобига текширишлар сони ўртача 12,5 тани ташкил этди.

қилмаяптилар. Тошкент, Ўртачирчик, Бўка туманларида сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича ишлар қоникарсиз олиб бориляпти. Бу ҳудудларда ҳар бир нозир ҳисобига текшириш сони 16,7 тага тенг бўляпти. Умуман вилоятда эса у 34,5 га баробардир.

Бунинг устига нозирлик сув ресурсларидан, айниқса, қишлоқ хўжалигида фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатганича йўқ. Сувни тозалаш иншоотлари қурилиши билан етарли шугулланилмаяпти. Шунинг учун ҳам бу соҳа бўйича белгиланган тадбирлар вақтида амалга оширилмаяпти. Айбдорларга нисбатан эса етарли чоралар кўрилмаяпти.

Коллегиа йиғилишида ер ресурсларини муҳофаза қилиш айниқса, улардан фойдаланиш, минерал ўғитлари, захарли кимёвий моддаларни сақлаш ва ишлатиш, ерларни қайта қишлоқ хўжалик оборотида киритиш масалалари билан етарли шугулланилмаётганлиги қайд этилди. Ўсимликлар ва ҳайвонот олами бўйича махсус нозирлик ишида ҳам муайян камчиликлар бор. Улар асосан браконьерларни аниқлаш ва жазолаш билан шугулланмоқдалар. Бу эса вазифани тор доирада тушунишдир.

Биринчи ярим йилликда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш сусайганлиги алоҳида таъкидланди. Албатта, бунинг асосий сабаблари ҳам бор. Асбоб-ускуналар ва металллар етишмаяпти. Лекин бу баҳонани доим пеш қилавериш ҳам керак эмас. Имкониятини қидириб топиш лозим. Шу мақсад учун ажратилган капитал маблағлардан тўлароқ фойдаланиш даркор.

Мажлисида таъкидланганидек, табиат муҳофазасини таъминлаш иши умумхалқ вазифасидир. Шунинг учун ҳам унга ҳажми жалб қилиш лозим. Шундангина вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида экологик ҳолатни кескин яхшилашга эришиш мумкин.

Коллегиа мажлисида вилоятнинг барча аҳолисига мурожаат қабул қилинди.

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТўЛА Фойдаланаёлик Муҳокамада нималар айтилди?

бирлашмада ифлосланган оқава сувларни оқизиш 20 миллион куб метрдан кўпроққа қисқарди.

Табиатни муҳофаза қилиш ходимларининг талаби билан Охангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Охангароншифер" ҳиссадорлик корхонаси, Бекобод цемент заводи, луб заводлари ва бошқа корхоналарда табиатни муҳофаза қилиш фаолияти анча жоиланди. Масалан, Охангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-айланувчи печида циклон ўрнатилди. 3-печда ҳам шундай мосламани ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Шу тадбирлар туфайли чангчи чиқариш 382 тоннага қисқарди. Бекобод цемент комбинатида совуттичлар батарея циклоидларини сошлаш

Ваҳоланки, вилоят бўйича бу ўртача 26,6га тенг бўлди.

Тахлилий назорат нозирлиги ихтисослашган бўлинима ҳисобланади. Лекин, у ҳам ўз вазифасини тўла бажараётгани йўқ. Ҳисобот даврида унинг вакиллари вилоятдаги фақат 5 та корхонада бўлишди. Бу эса жуда камдир. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нозирлиги ва унинг жойлардаги бўлинималари табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилишининг бориши устидан етарли назорат

БУ - БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Вилоятдаги саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига, вилоятимизнинг барча аҳолисига

МУРОЖААТ

КАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Маълумки, ҳозирги вақтга келиб табиат бойликлари бўлган ер, сув, ҳаво ниҳоятда захарланган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг баъзи турлари йўқ бўлиб кетди ва яна бир қанчасига йўқ бўлиб кетиш хавфи туғилмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда инсоният олдида атроф муҳитни муҳофаза қилиш энг асосий, ҳаётини муаммо бўлиб қолди. Инсоннинг табиат бойликларидан нооқилона, хўжасизларча фойдаланиши табиий ландшафтларга, асрлар давомида шаклланиб келган биогеоценозларга катта путур етказмоқда. Саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги муассасаларининг ривожланиши,

катта-катта табиий майдонларнинг кенг кўламда ўзлаштирилиши экологик мувозанатнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Бунинг оқибати эса инсоният учун, унинг ҳаёти учун жуда аянчли бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш ўткир муаммо бўлиб қолди. Шу туфайли, сиз, азиз ҳамюртларимизга мурожаат қилишни лозим, деб топдик.

Давлатимизнинг табиатига фақат истеъмол манбаи сифатида қараш, унинг бойликларини хўжасизларча, гоҳида ёвузларча ва талон-тарож қилишга чек қўйиш мақсадида 1993 йил 2 февралда чиқарилган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни табиий

(Давоми 4-бетда).

ЖАЗОСИ — ЖАРИМА

АНГРЕН ва Янгибод шаҳарларида "Соф ҳаво" тадбирини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди.

У тез-тез уюштирилиб турипти ва анча самарали бўлмоқда.

Ангрен ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси бу тадбирларни доим ДАН идоралари билан амалга оширмоқда ва кенг жамоатчиликни ҳам жалб қилаёпти. Унга ҳар доим олдиндан тайёргарлик кўрилади, қилинадиган иш режалаб олинади. Яқинда унинг навбатдагиси уюштирилди.

Шу тадбир давомида ўн битта корхона текширилди, деярли уч мингта автомашина, мосламалар синчков қўриқдан ўтказилди. Текшириш корхоналарда автомашиналардан тутун ва бошқа шу каби захарли ва зарарли моддалар чиқариш сезиларли камайганлигини кўрсатди. Бундай иллатни камайтириш, унинг меёрдан ошмаслигига эришиш, нуқсонларни бартараф этиш учун турли анжомларни ишлатиш кенгаймоқда.

Ижобий силжишларга келганда шунини айтиш керакки, Ангрен ва Янгибод автокорхоналаридаги автомашиналарда газ карбюраторли двигателлар билан бирга чиқадиغان газнинг захарли даражасини анча камайитиришга олиб келадиган мосламалар ўрнатилди. Ишлатилаётган 300 та бундай анжом айна вақтда ёқилгани ҳам анча кам сарфлашга ёрдам бераёпти. Бундай анжомлар "Ўзавтотранстехника" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан сотиб олинди. Автокорхоналарнинг бу тажрибаси кенг ёйишга тавсия этилди.

Лекин, шунга қарамай бу соҳада катта камчиликлар ҳам борлиги маълум бўлди. Чунончи, текширилган автомашиналарнинг деярли ўн уч фоизидан захарли чиқиндилар меёрдагидан анча кўп чиқаётганлиги аниқланди. Шундай нуқсонларнинг содир бўлиши айбдорлари жазоланди. Чунончи, 16 нафар раҳбар ходим 577 минг сўм-купон тўлайдиган бўлди. 314 нафар ҳайдовчига 2 миллион 850 минг сўм-купон жарима солинди. 72-автокорхона ва автомобилларга техника хизмати станцияси ишини тўхтатиш ҳақида кўрсатма берилди. Қатор маъмурий ходимлар огоҳлантирилди.

М. ҲАМИДОВ.



БУ - БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

(Боши 3-бетда).

мухитни ҳимоя этишнинг ҳукукий, иқтисодий ва ташкилий асосларини, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни белгилаб берди. У инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғун равишда ривожланишини таъминлаш, экологик тизимларни, табиий мажмуаларни ва объектларни муҳофаза қилиш, фуқароларга қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлашни мақсад қилиб қўйган.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари!

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида захарли кимёвий моддалар ва ўғитлардан оқилона, меёрида фойдаланинг, кўпроқ маҳаллий ва органик ўғитларни қўлланг. Ўсимликларни қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундаларидан ҳимоя қилишда биологик усулларни кенг жорий этинг.

Ер майдонларини қайтадан тиклаш, унинг маҳсулдор қатламларини сақлаб қолиш бўйича чораларни амалга оширинг! Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшиланг!

Сув — ҳаётимиз манбаидир.

Сув тақчиллиги сезиларли бўлиб қолган бир вақтда, сув манбаларини ифлосланишдан ҳимоя қилиш масаласи давлат аҳамиятига молик бўлган биринчи даражада муаммага айланмоқда.

Лекин сув манбаларини sanoat, қишлоқ хўжалиги, коммунал-маиший корхоналар томонидан ифлослантириш давом этаётир. Уларнинг сувни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлари бирор бир кўзга кўринарли натижа бермаётир.

Вилоятимиздаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари! Ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланилган сувларни биокимёвий, механик ва бошқа самарали усуллар ёрдамида тозалашни йўлга қўйинг!

Азиз юртдошлар, сув манбалари бўлган оқар сув бўйларида турар-жой бинолари, фермалар ва бошқа иншоотларни тикламанг. Шунинг унутмангки, ҳаётни тоза сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сув — оби ҳаётдир.

Ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш муаммоси инсоният учун ҳозирги кундагидек ҳаётини аҳамиятга эга бўлган эмас. Вилоятимиз табиий флорасининг аксарият қисмидан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун оқилона фойдаланилмаётир. Оқибатда улардан кўпчилигининг табиий захиралари кескин даражада камайиб, йўқолиб кетиши хавфи тугилмоқда. Чимендаги қизил лола, саллагул, ширач ва шунга ўхшаш нафис гуллар камайиб кетмоқда, сабаб айрим шахслар бу гулларни, доривор ва озиқ-овқат ўсимликларининг пиезларини, тутанакларини, ҳатто илдиз пояларини ижозатсиз қазиб олиб, ёввойи ўсимликлар оламига жиддий зарар келтирмоқда.

Ўзбекистон флорасидаги муҳофазага муҳтож ўсимлик

турларидан йўқолиб кетиш хавфи олдида турган ва Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоб"га киритилган 163 тур ўсимликнинг 54 тури бизнинг вилоятимиздадир. Бу бизнинг ташкилотимиз олдида кўриқхоналарни асраш, ёввойи доривор ўсимликларни сотишни таъқиқлаш, хом ашё сифатида ишлатиладиган ўсимликларни йиғиш учун махсус руҳсатномалар жорий этиш каби кўплаб масалаларни қўяди.

Лекин ўсимлик турларини муҳофаза қилиш кенг омма иштирок этгандагина ижобий натижалар беради. Шундагина биз келгуси авлодлар учун наботот оламининг бебаҳо бойлигини сақлаб қолган бўламиз, чунки ёввойи ўсимликлар қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маданий навларни барпо этишда ҳам манба сифатида жуда кенг қўлланилади ва келгуси авлодлар учун ҳам шундай бўлиб қолиши лозим.

Ҳайвонот дунёсини сақлаш ҳар биримизнинг эзгу вазифамиздир. Вилоятимизнинг ҳайвонот дунёси жуда бойдир. Унинг худудида ҳайвонларнинг 350 дан ортиқ тури яшайди. Ҳайвонларни, қушларни ва балиқларни ноинсофларча ов қилишга чек қўйиш вақти аллақачонлар келди. Уларга қулай яшаш шароитлари, кўпайиши учун имконият яратиш лозим. Ҳайвонларни асраб-авайлайлик. Бу сизнинг муқаддас бурчингиздир.

Биз нафас олаётган ҳаво ҳар хил зарарли чиқиндиларга тўйинтирилган. Вилоятимизда атмосфера ҳавоси ҳар йили 500.000 тоннага яқин зарарли моддалар билан ифлосланяпти. Бунинг 40 фоизи автотранспорт ҳиссасига, 28 фоизи иссиқлик энергетика корхоналари, 25 фоизи металлургия корхоналари, 3-7 фоизи кимё мажмуалари, 3-6 фоизи қурилиш материаллари sanoati корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Қадрли юртдошлар!

Ер, сув, ҳаво таркибидagi зарарли моддалар миқдорини белгиланган меъридан ошмаслигига эришайлик. Sanoatda чикитсиз технологияларга ўтишга ҳаракат қилинг, автотранспорт воситаларининг захарли чиқитлари чиқаришини камайтирайлик, қишлоқ хўжалигида захарли кимёвий моддаларни ишлатишни мунтазам қисқартириб борайлик. Шу азиз заминимиз — Тошкент вилоятининг экологик тоза бўлиши ҳар биримизга боғлиқ. Шу йўлдаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириб, кўламини кенгайтирайлик, амалий натижаси янада салмоқли бўлишига эришайлик. Бу хайрли, ўзимиз ва келажак авлод саломатлиги учун ниҳоятда зарур бўлган олийжаноб мақсадли ишда лоқайдлик, бекфарқликка тўла ҳотима берайлик.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚўМИТАСИ

ҚИСКА САТРЛАРДА

• ТОШКЕНТ давлат туман электр станциясида ёқилги балансида газни ишлатишни кўпайтириш атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқаришнинг камайишига олиб келди. Шу туфайли атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни тарқатиш 2225 тонна қисқарди.

• ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводида ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилган сувни қайтадан фойдаланиш учун насос станциясига етказиб берувчи қувур ётқизилди. Биргина шу тадбир туфайли тоза сувни ишлатишни йилига 3 миллион куб метргача қисқартириш имкони яратилди.

• БЕКОБОДДАГИ "Сарбон" ҳиссадорлик жамиятида мойни ушлаб қолгич ва сув қайтадан фойдаланиладиган янги автоювгич қайта қурилди. Бу тадбир таркибидa нефть маҳсулотлари бўлган оқаваларни ва тоза сув ишлатишни йилига 20 минг куб метр камайтиради.

• ВИЛОЯТ бўйича шу йилнинг ўтган биринчи ярмида чиқиндилар тўқилиб, яроқсиз ҳолда келган 15 гектар ер майдонини қайтадан фойдаланиш йўлга қўйилди.

• ОҲАНГАРОНДАГИ "Қурилишпластмассаси" комбинатида газ чиқиндиларини ушлаб қолувчи қурилмани ўрнатиш деярли тугади. Бу ҳам атроф-муҳит мусоффолигига хизмат қилади.

ПАРТОВ ЕР

"ЖАННАТ"ГА АЙЛАНДИ

Ўрта Осиё кўмир қазиб чиқариш бирлашмаси автокорхонаси раҳбарияти ташаббуси билан Оҳангаронда яна 7 гектарлик боғ бунёд бўлди

ХОНАСИГА қайтиб келган корхона директори бир зум ўйлаиб қолди. "Жуда ўринли таклиф бўлди" деди ўзича ичида.

Шарофиддин Насриддинов бу фикр йиғилишда ким томонидан айтилганини билолмай қолган эди, тўғрироғи эътиборсизлик қилган эди. Ушанда залда ўтирганлардан кимдир корхона ҳам ўз боғига эга бўлса яхши бўларди, деган лўқма ташланганди. Ўйлаб қараса, жуда яхши таклиф. Ахир корхонанинг ўз боғи бўлса, мева-чева, сабзавот ўзидан чиқса, бунинг нимаси ёмон?!

Директор ўзининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Жалолхон Акрамовни ҳузурига чақириб, бор гапни унга айтди. Ўринбосарга ҳам маъқул бўлди. Бунинг учун ер керак эди. Корхона атрофида эса йўқ. Лекин топса бўлади. Оҳангарон туманида ўзлаштирилмай ётган ерлар кўп.

Шундай каттагина майдон Облик қишлоғи ёнидан, Ангрэн дарёси яқинидан топилди. Пастибаландиклардан иборат бўлган бу нотекис, партов ерни ўзлаштиришга киришилди. Ҳаммаси бўлиб етти гектарни эгаллаган катта майдон текисланди, сувни дарёдан йиғирма беш метр баландга чиқариш учун насос, ўттиз куб метр ҳажмили

цистерна ўрнатилди. Уч гектар ерда боғ ташкил этишга киришилди. Мевали дарахт кўчатларининг ўн уч хилдан экилди. Уларнинг аксарият кўпчилиги кўкартириб олинди, қуриганлари ўрнига янгилари ўтқазилди...

Ҳозирги вақтда боғда бўлсангиз дарахтларда осилиб, фарқ пишиб ётган меваларни кўриб баҳри дилингиз очилади. Инсоннинг қудратига яна бир бор тасаннолар ўқийсиз. Бундан бир неча йил илгари қақраб ётадиган ерда қисқа вақт ичида шундай ажойиб мевазорнинг яратилганлигига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Боғда шода-шода меваси фарқ пишиб ётган дарахтлар турини санаймиз — ёнғоқ, ўрик, олма, нок, шафтоли, беҳи, олхўри, ғайноли, анор, анжир... Бағазларга тортилган турли-туман узумларни айтмайсизми. Меваси ишчи-хизматчилар дастурхонига барвақтроқ тақдим этилган гилос, тут, олча дарахтлари ҳамон яшил либосга буркалиб турибди. Дарахтлар ораларига экилган беда ҳосили бир неча марта ўриб олинди.

Шуниси диққатга сазоворки, боғда етиштирилган барча мева, сабзавот ҳосили асосан ишчи-хизматчиларга етказиб берилиб,

уларнинг дастурхонларини тўқин-сочин бўлишига ёрдамлашилмоқда. Албатта, уларга анча арзон нархларда сотилапти. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар палласида бу ҳам ҳарнада.

— Боғни бунёд этишнинг ўзи бўлмади, албатта, — дейди Жалолхон ака Акрамов. — Кўп маблағ, меҳнат сарфлашга тўғри келди. Ахир бу ерлар қўп-қуруқ бўлиб, ўт-ўланлардан бошқа ҳеч нарса ўсмасди, улар ҳам кузга бориб жизгинак бўлиб кетарди. Қилган саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Кўрганда ҳар қандай инсоннинг ҳам ҳаваси келадиган боғ яратдик. Уни янада кенгайтириш ниятимиз ҳам йўқ эмас, имконият бўлиши билан унга киришамиз...

Яхшидан боғ қолади деб бежиз айтмаган халқимиз. Кўпчиликка нафи тегадиган бундай мевазорни яратганлар ҳам ҳеч вақт кам бўлмайди. Кўпчилик ҳақида ғамхўрлик қилган, кўпчиликнинг юмушини осон қилишга ҳисса қўшган инсон ҳеч вақт ёмонлик кўрмайди. Боғ ҳақида ёзар эканман, шундай фикрлар ўз-ўзидан бирин-кетин келаверди...

Т. ШЕРАЛИЕВ.



Бу ердан бекфарқ ўтиб бўлмайди.

А. Абалян олган сурат.



• Табиат мўъжизаси

"Тўртта бўлганидами?!"

У ҲАМ оддий сигир. Серсут. Хонадон соҳибаси ундан ҳар кун икки челака етказиб сут соғиб олади. Мазаси яхшилигини айтмайсизми! Бозори ҳам чаққон, оила эҳтиёжидан ортгани сут ҳолида, қатиқ ҳолида ҳам сотилади. Мижозлар эса етарли. Улар шу атрофдаги бошқа говмушлар сут-қатиғи ширинликда бу сигирни тенглаша олмаслигини айтишади.

Зангиота тумани "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалигининг ҳайдовчиси Рихсибой ака Жўраев хонадонидagi бу зотли сигирнинг таърифни фақат шу билан тугатиб бўлмайди. Унинг бошқа говмушлардан фарқ қилувчи яна бир аломати бор. Фақатгина битта урфидан сут келади. Қолган учтаси эса ривожланмай қолган, фақат ўринда кичик-кичик ўсимталар жойлашган. Улардан сут келмайди.

— Болалар сизимизнинг тўртта урфи бўлганида янада яхши бўларди-да, деб қўйишади гоҳо-гоҳида ҳазил

аралаш, — дейди хонадон соҳиби. — Лекин битта бўлганидан ҳам "ҳафа" эмасмиз. Сут беришда унча-мунча говмушдан қолишмайди-ку. Бизга шуниси керак...

Зотли мол ҳамма вақт зотдорлигини кўрсатар экан-да. Бу йил у эгаларига иккита бузоқ ҳада этди. Иккалови ҳам бақувват, соғлом ўсмоқда. Говмуш ўта болажон, ювош экан. Оила фарзандлари Илҳомжон, Икромжон, Акромжон, Олимжонлар ишдан ўқишдан бўш вақтлари ўз сигир ва бузоқларини ўтлатишга олиб чиқишади. Ўтган-кетганлар эса сигирнинг елинига қараб қўйишади-да, ҳайратланишади, бир эмчак бўлса ҳам сутни кўп беришини эшитиб, ҳайрон бўлишади. Биз ҳам уни кўрганда шундай ҳолатга тушдик. Ҳа, табиат мўъжизаси бу. Уни бошқача изоҳлаш мумкин эмас.

Абдулла ТОЛИБ ўгли,
меҳнат фахрийси.



Болалар қушларни хушлар...

• Хар тўғрида

ЗИЙРАКЛИКНИ
ОШИРАДИ

• АВТОМАШИНАНИ бошқараётган ҳайдовчилар сақич чайнаётган бўлишса светофор сигналларининг ўзгаришини анча тез пайқаб оладилар, деб ёзади Сингапурда нашр этиладиган "Стреймс таймс" газетаси. Бунда у Япониянинг иккита дорилфунунда олиб борилган тадқиқотларга асосланади. Бу тадқиқотлар давомида автомобилни уч йилдан беш йилгача бошқариб, амалий тажрибага эга бўлган тўрт аёл, ҳайдаш стажи бир йилдан ошмаган тўрт аёл, такси ҳайдовчиси бўлган тўрт эркекнинг зийраклиги текшириб кўрилди.

Натижаларни солиштириш шуни кўрсатдики, рулда ўтириб сақич чайнаётган эркекларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам зийраклиги саккиз ҳолатнинг еттасида тезлашган.

Тадқиқотчилар буни қуйидагича изоҳламоқдалар: сақич чайнаш жараёни қоннинг мияга оқимини яхшилайди, бу эса иш вақтида зийракликни оширади.

МИНИАТЮРАЛАРДАГИ
МАНЗАРАЛАР

• ВЬЕТНАМНИНГ деярли ҳар бир ҳовлисида, унинг шаҳарда еки қишлоқда бўлишидан катъий назар, ажойиб ва гўзал кичик дарахтларни учратасиз. Хафсала билан парвариш қилинган, кўпинча сунъий равишда шохлари қандайдир ҳайвон, парранда еки балиқ кўринишида бўлган бу дарахтчалар фантазияси, устанинг юксак санъати кишини лол қолдиради. Айтишларича, айрим ҳолларда бир кичик дарахтнинг ажойиб манзара касб қилиши устида бутун бир усталар авлодлари тер тўкишар экан.

Манзарали боғбончилик Вьетнам анъанавий маданиятининг таркибий қисмидир. Қадимги саройларда, ибодатхоналарда, халқ кўп тўпланадиган ва улар учун сеvimли бўлган дам олиш жойларида албатта миниатюра акс этган ажойиб манзаралар яратилган майдончалар бор. Уларни томоша қилганингизда тоғлар, шаршаралар, қияликларга епиштирилган қишлоқ уйлари кўз ўнгингизда намоён бўлади.

МИЛЛИЙ-ТАБИИЙ БОҒ:

ОЁҚҚА ТУРИШ МАШАҚҚАТЛАРИ

ЎГОМ-ЧОТҚОЛ давлат миллий табиий боғи. Шу кунларда у шу қадар лафофатли ва жозибалики, тўтрисини айтганда, таъриф-тавсифини ўрнига қўйиш учун тил ҳам ожизлик қилади.

Ҳозирча вилоятимизда ягона бу миллий табиий боғ барпо этилганига тўрт йил бўлди. Ўша вақтда уни ташкил этиш ҳақида республика ҳукуматининг махсус қарори чиққан эди. Лойиҳага мувофиқ унинг майдони 574,6 минг гектар ерни эгаллаши лозим. Унинг қанчалик катта эканлигини тўла тасаввур қилиш учун шуни айтиш керакки, ҳозирги пойтахт вилоятимиз ҳудудининг учдан бир қисмига тенгдир.

Унинг ҳудудидида нималар йўқ дейсиз. Ўнлаб қишлоқлар мавжуд, қатор деҳқончилик ҳўжаликлари, ташкилотлар-корхоналарга қарашли кўпдан-кўп дам олиш минтақалари, ҳўжалик ташкилотлари, ўрмон ҳўжаликлари ишлаб туипти. Уларнинг ҳаммаси биргаликда бу жаннатмакон ҳудудга, унинг такрорланмас табиий мажмуига ниҳоятда катта зарар келтирди ва ҳозир ҳам зарар етказмоқда. Шунинг учун ҳам бу катта ҳудудда миллий табиий боғ ташкил этишга, уни муҳофаза қилиш ва ягона бир қўл ихтиёрига топширишга қарор қилинган эди.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўтрисидagi қонун, сўнгра Ўгом-Чотқол ДМТБ ҳақидаги Низомга мувофиқ боғнинг мақоми, вазифалари, ишлаш тартиби ва воситалари белгиланди. Муҳофаза қилинадиган ҳудуд доирасида ишловчи идора нозирларига табиат муҳофазаси бўйича давлат нозирлари ваколатларидан фойдаланиш ҳуқуқлари берилган. Бундай ҳуқуқлар эса анчагина.

Ҳўш, миллий боғнинг шаклланиши қандай бормоқда? Тадбирлар қандай аҳволда? Ўгом-Чотқол ДМТБ оёққа турдимиз? Шундай саволлар ўз-ўзидан юзага келади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йилнинг 22 апрелидаги III-сонли қарори бўйича масалага ёндошсак шундай боғ борга ўхшайди. Шу қарорда боғ

ҳақидаги Низом тасдиқланган эди. Ҳа, ҳозирги вақтда тегишли атамаси, банкда ҳисоб-китоб смети, маъмурияти, ходимлари бўлган юридик шахс мавжуд. Миллий табиий боғ нима ўзи? Қонунга мувофиқ, у асосан, табиатни муҳофаза қилувчи муассаса бўлиши керак. Унинг ҳудудига алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қийматга эга бўлган ҳамда табиий, рекреация, оқартув, илмий ва маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиий мажмуалар кириши керак. Фақат ҳудудга эга бўлган боғни юридик муассаса деб ҳисоблаш мумкинми? Йўқ, мумкин эмас.

Ўгом-Чотқол ДМТБ бундан тўрт йил илгари ҳам ва бугунги кунда ҳам ер эгаси ва ердан фойдаланиш ҳуқуқларига эга эмас. Бу тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлаб берилмаган. Ваколатли идоралар унинг жойлар бўйича чегараларини ҳали ҳам белгилаб бермаганлар. Орадан тўрт йил ўтиб кетганига қарамай бу масалаларга ҳамон аниқлик киритилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон кўмитасининг 1994 йил 22 мартда чиқарган "Ўгом-Чотқол давлат миллий табиий боғда томоша қилиш қондалари" кишини ҳайратга солади. У миллий боғ бойликларини талон-тарож қилишдан бошқа нарса эмас. Ҳа, шундай. Биринчи навбатда табиий бойликларни, айниқса, ўрмонларни муҳофаза қилиш, кўпайтириш билан шугулланиши лозим бўлган бу вазирликнинг бу қадамини ҳеч сингдириб бўлмайди.

Бу қондалар миллий боғнинг ўсимликлар дунёсини, ҳатто ерости бойликларини ҳам талон-тарож қилишга "яшил" йўл очиб беради, десак муболага бўлмайди. Унда бунинг йўриқномалари, нархлари аниқ кўрсатилган. Ҳар бир боғ қорамолни, шунингдек, қўй-эчкиларни миллий боғ ҳудудидида ўтлатишнинг тариф-нархлари назарда тутилган. Ҳар гектар ердан ҳашак ўриб олиш нурда, қурилиш материалларининг ҳар бир тоннаси нархи ҳам кўрсатилган. Фақат пули-

Мутахассис минбари

ни тўласангиз бас, керагича олаверасиз...

Қонуний кучга эга бўлмаган (чунки у ҳали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтмаган) бу қондалар фаол қўлланилмоқда. Миллий боғнинг бойликларини талон-тарожига қаратилган чипталар сотилмоқда. Миллий боғ тартибини бузганларга жарима солинмоқда. Шу йилнинг ўтган беш ойида 1,5 миллион сўм-купонлик жарима солинди. 8,2 миллион сўм-купонлик даъволар тақдим этилди, иккита иш бўйича материаллар судга оширилди.

Илмий тадқиқотлар олиб бориш, саёхатлар, экскурсиялар, дам олиш учун шароитлар яратиб бериш, бузилган табиий мажмуаларни тиклаш каби асосий вазифалар умуман бажарилмапти еки-суст бажарилмоқда. Миллий боғнинг шундай катта ҳудудидида ишлаётган икки нафар илмий ходим нима ҳам қила оларди! Бунинг устига улар ихтиёрида на лаборатория бор, на зарур асбоб-ускуналар бор.

Миллий боғ ҳудудидида ўнлаб ишлаб чиқаришлар бор. Улар табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалардир. Ҳатто ҳудудда йўл қурилиши ва муҳандислик-коммуникация ишларини, албатта миллий боғнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаса, олиб бориш тақиқланган ҳолда бундай манбаларнинг бўлишини қандай тушуниш лозим. Уларни кўчириш еки фаолиятини қисқартириш назарда тутилганлигига қарамай шу вақтгача бу йўналишда бирорта ҳам амалий чора кўрилгани йўқ.

Қисқаси, миллий боғимиз ҳақиқатан ҳам ўз мазмунига монанд бўлиши учун ҳам кўп ишларни қилиш, муаммоларни ҳал этиш лозим. Бу эса катта ташкилий куч-гайратни, моддий маблағларни кўп йиллар давомида сафарбар этишни тақозо этади. Шундагина "Ўгом-Чотқол давлат миллий табиий боғ" деган ҳаммамиз учун ёқимли дурдона ростмана оёққа туради. Бу кунни ҳаммамиз, айниқса, табиат ошиқлари бўлган кишилар сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Т. ТИЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос.



Чор атрофда тепалик, қир,
Тўсиқлар кўп қулуним.
Йўллари ҳам ўнқир-чўнқир.
Кузатиб юр бетиним.

Ҳозир номинг оддий тойчоқ,
Ўйна, сакрайвер бот-бот,
Тўсиқларни енгганинг чоғ,
Бўлурсан, албатта, от.

Шухрат МУЛЛАЕВ сурат лавҳаси.



Сув ҳамма ерда —
атмосферада, ерда ва ер
остида ҳам мавжуд. Ер
ости сувлари ҳам оз
эмас, уни ҳақли равишда
уммон дейиш мумкин.
Фақат унинг чексиз
бағрида кемалар
қатнамайди, балиқлар
яшамайди, қушлар
учрамайди. Бундай

Бу қизиқ!

МИЛЛИАРД КУБ КИЛОМЕТР

сувлар фақат қуруқлик
остидагина эмас, шу
билан бирга денгиз ва
уммонлар тубларидаги
қатламлар остида ҳам
мавжуд.

Дунё уммони (Тинч,
Атлантика, Ҳинд ва
Шимолий муз
уммонлари)даги сувнинг
ҳажми ўрта ҳисобда 1,4
миллиард куб километр
деб ҳисобланади. Ер ости
сувларининг умумий
ҳажми эса 0,84—1 мил-
лиард куб километрга
тенг. Ҳар ҳолда ер ости
сувларини кўзга
кўринмас уммон дейиш
мумкин, албатта. Ер ости
сувларининг таркиби ҳам
турли-туман бўлади: чу-
чук, шўр, баъзи
жойларда ўта шўр,
ҳарорати ҳам ҳар хил —
чуқурлашган сари
иссиқлик даражаси
ортиб бораверади.

ҲАММАСИ ТЕКШИРИВДАҲ ЎМАДИ

Республикада бораётган иқтисодий ислохотлар,
тадбиркорликнинг ривожланиши туфайли қўшма ва кичик
корхоналар, йирик корхоналар филиаллари, цехлари ва
бўлимлари кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам
ҳозирги мураккаб ва оғир иқтисодий шароитларда ҳам
табиатни муҳофаза қилишга катта аҳамият билан қаралмоқда,
қатор меърий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Чунки, атроф-муҳит
мусаффолиги аввало инсон билан, унинг саломатлиги,
келажак авлоднинг соғлиги билан боғлиқ.

Кишиларнинг ўйламасдан қилган ҳаракатлари, табиатта
ноинсофлик билан муносабатда бўлганлигининг аччиқ
“мева” сини эндиликда тотиб турибмиз. Нафас олаётган
хавонимиз, ичаётган сувимизнинг ифлосланиши шу даражага
бориб етдики, унинг олди олинмаса, бундай иллат давом
этаверса оқибати ниҳоятда ёмон бўлиши аниқ бўлиб қолди.
Бошқа чора-тадбирлар қатори экологик экспертизанинг жорий
қилиниши, ундан ўтишнинг мажбурий қилиб қўйилиши ҳам
шунданidir.

Мавжуд ва янги ишлаб
чиқаришларнинг экологик жиҳатдан қай
даражада хавфли эканлигини аниқлаш, бу
хилдаги фаолият табиатни муҳофаза
қилиш қонуларининг талабларига
қанчалик мувофиқлигини баҳолаш,
лойиҳаларда назарда тутилган табиатни
муҳофаза қилиш тадбирларининг асосли
эканлигини аниқлаш давлат экология
экспертизасининг вазифасидир.

Шу йўлда иш олиб бораётган вилоят табиатни муҳофаза
қилиш кўмитасининг экология экспертизаси бўлими жорий
йилнинг ўтган даврида вилоятимизда ишлаб чиқариш
кучларининг жойлашиши, янги техника ва технологияларни
жорий қилиш, табиий бойликлар ва табиий муҳитта салбий
таъсир этувчи корхоналарнинг қурилиш лойиҳалари каби уч
юзга яқин ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли экологик
хулосалар берди.

Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш
тўғрисидаги қонуни талаблари асосида бажарилган кўпгина
лойиҳа-ҳужжатларига ижобий хулоса берилди. Бирок, айрим
янги объектлар қурилиши ва мавжуд корхоналарни қайта
тиклашнинг лойиҳа-ҳужжатларида ҳамон эскириб қолган
ечимлар асос қилиб олинмоқда, чиқитсиз ва кам чиқитли
технология жараёнлари суст жорий этилмоқда. Бунга мисол
тарихисида Ангрен шаҳрида қурилаётган ва йилига 1500 тонна
карбит-кальций ишлаб чиқарадиган заводни кўрсатиш мумкин.
Унинг лойиҳаси қаттиқ моддаларни тутиб қолувчи тозалаш
ускуналарини ўрнатиш ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан
қайта фойдаланиш тадбирлари бажарилиши кераклиги
таъкидланган ҳолда қайтарилди.

Тошкент туманида қурилиши мўлжалланган қўй терисини
қайта ишлаш цехи бўйича тақдим этилган лойиҳа
ҳужжатларида ишлаб чиқариш жараёнидан чиққан ва
таркибиди ҳар хил кимёвий бирикмалар бўлган оқова сувларни
фақат биологик усулда тозалаш ҳисобга олинган. Бу эса етарли
эмас. Бошқа механик усулларини ҳам назарда тутиш керак
эди. Шу сабабли унинг лойиҳаси сув ресурсларини муҳофаза
қилиш қисмини қайта ишлаб чиқиш учун қайтарилди.

Кучлик нефть маҳсулотлари базаси майдонини
кенгайтириш назарда тутилган эди. Бунга ҳеч қандай
қаршилиқ йўқ. Бирок, унинг битта лекини бор. Лойиҳада 18

минг тонна нефть маҳсулоти сақланадиган олти идишни
Қорасув дарёсининг муҳофаза минтақасида жойлаштириш
режалаштирилган. Биз бунга асло розилик беролмаймиз. Чун-
ки нефть маҳсулотларининг дарёга тушмаслигига ҳеч ким
кафолот беролмайди. Ёнида жойлашганидан кейин албатта
силжиб ўтади. Шунинг учун бунга ҳам рухсат берилмади.

Бундан ташқари, атроф-муҳит, бебаҳо заминимизнинг
ифлосланишига, ер ости бойликларимиз, қўл ва дарёларимиз,
ўсимлик ва ҳайвонот оламимизга ўз ўрнида қўрилмаган кўплаб
мавжуд корхоналар катта зиён етказмоқда. Шу муносабат
билан шу йилнинг март ойидан бошлаб вилоят экология
экспертизаси бўлими жойлардаги кўмита давлат нозирлари
билан биргаликда вилоят табиий муҳитининг ҳолатига салбий
таъсир кўрсатувчи мавжуд корхоналарни давлат экологик
экспертизасидан ўтказиш ишларини бошлаб юборди. Ҳар бир
корхонани экология экспертизасидан ўтказиш тартиби ва
муддатлари белгиланди. Шунга асосан уларнинг атроф
муҳитта таъсири аниқланиб, камчиликларни бартараф этиш
юзасидан тегишли чора-тадбирлар
белгиланиши кўзда тутилган.

Яна бир муҳим масалани таъкидлаб
ўтмоқчи эдим. Вилоятимиздаги айрим
хўжалик ва корхоналар ўзларининг ички
хўжалик объектларининг қурилиш
лойиҳаларини экологик экспертизадан
ўтказмасдан қурмоқдалар. Масалан,
Паркент туманидаги “Заркент” ва

“Хисарак” жамоа хўжаликларидидаги узумни қайта ишлаш
заводлари лойиҳалари экологик хулоса олмасдан қурилиб
ишга туширилган. Оқибатда табиат муҳофазаси талабларига
жавоб бермаган бу объектлар иши тўхтатилди ва йўл қўйилган
камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлар олиб
борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза
қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 25 моддасига биноан
республикадаги ҳудуддаги ҳар қандай қурилиш объектлари
лойиҳаларини давлат экология экспертизасининг ижобий
хулосасисиз амалга ошириш ман этилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза
қилиш Давлат кўмитаси билан республика Марказий банки,
Республика қурилиш банки ва Агрисаноат банклари бундан
бир йил муқаддам биргаликда фаолият кўрсатиш тўғрисида
қарор қабул қилган эдилар. Бу қарорда янги бунёд этиладиган,
қайта қуриладиган объектларни фақат экологик
экспертизанинг ижобий хулосаси бўлгандагина маблағ билан
таъминлаш кўрсатилган. Шунинг учун вилоят ҳудудида
қурилиши мўлжалланган ҳар қандай объект учун ер танлаш ва
ажратиш ҳамда лойиҳа ҳужжатлари албатта вилоят экология
экспертизаси бўлимига экологик хулоса олиш учун
топирилиши лозимлигини эслатиб ўтмоқчиман.

Хулоса қилиб айтганда, давлат экология экспертизаси
хўжалик фаолиятини бошлашдан олдин ўтказилиши шарт
бўлган ва табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларидан
бирдидир. Бу эса инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар
уйғун мувозанатда ривожланиши, экология муаммоларини
ечиш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш
ҳуқуқини кафолатлайди.

А. АБДУРАИМОВ,

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси экологик
экспертиза бўлими бошлигининг ўринбосари.

ТАБИАТНИ муҳофаза
қилиш давлат
сиёсатининг таркибий
қисмидир.

ТУЯ УСТИДАН САКРАЙ ОЛАСИЗМИ?

● ТУЯ устидан сакраб ўтиш
Яман халқининг миллий спорт
турларидан бири ҳисобланади.
Мусобақа шартлари оддий. Икки
ўрқачли нортуюлар ёнма-ён
қимирламай туради. Югуриб
келиш учун масофа чекланмаган.
Сакраганда туяга оёқлар тегиб
кетилса, ҳисобланмайди, қўлдан

ҳам фойдаланиш мумкин эмас.
Тўғри, сакраш жойида итарилиш
учун баландлиги ярим метрли
трамплин қўйлади.

Халқ спортининг бу тури ту-
яларда чопиш ва отларда улоқ
ўйнаш каби ишқибозлар
спортдан обрўли мусобақага
айланиши мумкин. Бу тур умуман

спорт байрами дастурига
киритилмоқда. Кейинги шундай
бахсада, 16 ешли қишлоқи йигит
Ахмад Сағир Мухаммадий тўртта
икки ўрқачли туя устидан сакраб
ўтиб голиб чикди. У бу рекорди
учун республика президенти
қўлидан 50 минг риал (тўрт минг
доллардан ошиқроқ) мукофот

ЭПЧИЛИ ЮТАДИ

олди. Яманликлар учун бу кам пул
эмас.

Ушбу саҳифа материалларини Тошкент вилояти
табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси фан-техника
тараққиёти ва тарғибот бўлими ҳамда “Тошкент
ҳақиқати” газетаси ходимлари тайёрлашган.

Сўраган эдингиз

НАВИ ДЕЯРЛИ 2 МИНГТА

Банан халқларнинг севиб
танаввул қиладиган
меваларидан бири
ҳисобланишини биламиз. У
қайси мамлакатларда
етиштирилади, нечта нави
бор? Шу ҳақда қисқача
маълумот берсангиз.

И. АҲМЕДОВ,
Ангрен шаҳри

ҲАҚИҚАТАН ҳам банан
жаҳон халқлари севиб танаввул
қиладиган мевалардан бири
ҳисобланади. У тропик
минтақаларда ўсади ва энг
қадимги маданий ўсимликлар
қаторига киради. Ватани
ҳисобланган Хитой ва Ҳин-
дистонда ҳозир ҳам ёввойи
холда учрайди. Бу
мамлакатларда бананни қадим
замонлардан бери
кўпайтиришади, ҳозир унинг
плантацияларини фақат Осиёда
эмас, шу билан бирга Африка ва
Марказий ҳамда Жанубий
Америкада ҳам учратиш мум-
кин. У миллионлаб гектар
майдонни эгаллаган.

Банан дарахт кўринишидаги
кўп йиллик бақувват ўсимлик,
барглари катта, силлик, чўзиқ
шаклда бўлади, баландлиги 15
метргача боради. У ниҳоятда тез
ўсади ва қисқа вақт ичида
ҳосилга киради. Мевалари узум
бошини эслатади, гўшти
юмшоқ, ширин ҳидли бўлади.
Илдизидан чиққан янги шох
сақиз ойдан кейин мевага
киради. Қирқиб олинган янги
шохлар кўчат қилиб экилади ва
улар тўрт йилдан кейин ҳосил
бера бошлайди.

Ҳар бир бош бананнинг
вазни 50 килограммгача боради,
унда 300 донагача мева бўлади.

Мутахассислар бананнинг
деярли икки мингта нави бор,
деб ҳисоблашади. Унинг
мевалари шакли, катталиги,
ранги (сарик ёки қизил)
жиҳатидан турли-тумандир.
Унда йирик бўлмаган сариқ
бананлар экспорт қилинади.
Африкаликлар сариқ
бананларнинг йирик ва шақари
кам бўлган турларини қовуриб
ва қайнатиб таом сифатида
тановвул этишади. Банан
баргларида тола олинади.
Ундан жуда мустаҳкам
арконлар тўқилади. Банандан
крахмал ва спирт ҳам ҳосил
қилинади. Ҳа, банан меваси
ҳам, барги ҳам турли соҳаларда
ишлатилади.



1994 йил — МИРЗО УЛУҒБЕК ЙИЛИ

ЎЗБЕК халқи ҳам бошқа халқлар сингари бой илмий ва адабий меросга эга. Мирзо Улуғбек ва Али Қушья, Муҳаммад Муса Хоразмий ва Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино, Қозизода Румий ва Гиециддин Жамшид, Навоий ва Лутфий сингари олим адибларимизнинг номлари бутун жаҳонга маълум. Лекин бошқа давлатларнинг, Москва, Ленинград, Боку, Тбилиси, Ереван, Душанбе, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари кутубхоналарида, шунингдек, хорижий кутубхоналарда ҳали қўл термаган, синчиклаб ўрганилмаган минглаб қўлезмалар борки, буларнинг ичиде Ўрта Осиёдан чиққан олим ва шоирларнинг қаламига мансуб ноёқ асарлар оз эмас.

Ҳозиргача жуда кам ўрганилган қомусчи олимларидан бири Мирзо Улуғбекдир. Олимнинг ҳаёти ва илмий фаолиятлари доир жуда тўла маълумотлар ҳали йўқ. Ҳар қандай тарихий шахснинг жаҳон майдониде пайдо бўлиши ҳеч вақт тасодифий бўлмай, балки унинг ижоди маълум мерос ва маълум замин асосиде вужудга келади. Шунинг каби Мирзо Улуғбек ижодининг замини ҳам, табиий, тасодифий эмас.

Ўрта Осиё қадим замонлардан бери одамзод яшаб келатган жойлардан, кишилиқ маданиятининг энг азалий ўчоқларидан биридир. Бу ердаги кўпдан-кўп моддий маданият едгорликлариде шундан далолат беради. Ўрта Осиё халқлари энг қадимги замонлардан бери Хиндистон, Хитой, Эрон, Сибир, Шарқий Европа, Кавказ, Ўрта денгиз қирғоқларида яшовчи халқлар билан бирга бутун дунёда ҳам фан ва маданиятнинг ривожланишига самарали таъсир этди.

Феодаллар зулмига, реакция руҳонийларнинг қаршичилигига қарамасдан, Ўрта Осиё халқларининг кўпгина энг яхши фарзандлари самарали ижодий иш олиб бордилар, жаҳон фани ва маданияти хазинасига катта хисса қўшдилар. Масалан, IX асрда яшаган фарғоналик машҳур математик ва астроном Аҳмад бини Муҳаммад асариде (еки ҳозирги замон таъбири билан айтганда монографиясида) ўша даврда астрономия фани соҳасиде тўплаган маълумотларни системали равишда баён қилиб, ўз ўтмишдошларининг, шу жумладан, машҳур юнон астрономи Птоломейнинг усулларини такомиллаштиришга уринган ва бу олимнинг бир қанча фикрларини танқид қилган. Бу асар лотин ва бошқа Оврўпо тилларига таржима қилинган бўлиб, XV аср ўрталарида Оврўпода ҳам кенг тарқалган эди.

Ўша даврнинг яна бир йирик олими Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийдир. Бу олим ўзининг "Ҳисоб алжабр вал муқобала" номи тарихий асари билан машҳур бўлса-да, лекин унинг астрономия соҳасидеги роли ҳам муҳим ва каттадир. Масалан, Хоразмий Бағдод обсерваториясида олиб борган кузатишлари асосиде ва хиндлар тузган астрономия жадвалларини танқидий таҳлил қилиб, "Астрономиядан янги жадваллар" тузган эди. Астрономия тарихиде муҳим роль ўйнаган бу жадваллар кўп асрлар давомида жуда кенг тарқалган эди. Бундан бошқа Хоразмий "Астролябия ҳақида рисола", "Қуёш соати ҳақида рисола" ва шунинг каби астрономик асарлар ёзган. Унинг "Китоб сурат ал-ард" деган асари бутунлай қайтадан ишланган Птоломей географияси бўлиб, унда Шарқ мамлакатлари ва халқлари ҳақида кўпгина қимматли маълумотлар келтирилган. Хоразмийнинг бу асари ўз даврида араб олимлари ва Шарқдаги бошқа олимларнинг география соҳасиде олиб борган илмий-тадқиқот ишларига, шунингдек, Фарбий Оврўпонинг ўрта асрдаги жуғрофия фанига таъсири жуда катта бўлган эди.

Ўрта Осиёдан чиққан машҳур астрономлардан марвлик Аҳмад ибн Абдулло Марвазий, Хабаш Ҳосиб ва унинг ўғли Абу Жаъфар, Аббос бин Саид Жавҳарий каби олимларнинг астрономия фани тарихиде ўйнаган роллари муҳим ва каттадир. Шунингдек машҳур Абу Райҳон Беруний, механик, физик, математик ва астроном Муҳаммад ибн Аҳмад Хоразмий, жуғрофлар — Абу Абдулло Жайхуний, Шарф аз-Замон Тохир Марвазий, математик ва астрономлар — Абу Махмуд Хўжандий, Абу Саҳл Қухий, Абуабкар Кархий, Абу Абдулло Баттоний, Абу Яҳе Марвазий, Абдулфатх Саид бин Хафифи Самарқандий, Аҳмад Насавий, Умар Ҳайём ва бошқалар.

Бу олимлар орасиде Абу Райҳон Беруний (973—1048) биринчи ўринда туради. Бу олимнинг илмий асарлари гоят кўп бўлиб, биз бу ерда унинг фақат астрономияга оид баъзи рисоаларини таъкидлаб ўтамиз. Масалан, "Астрономия калиди", "Қуёш ҳаракатининг тадқиқи", "Ой ҳақида рисола", "Жадвали Масъудий" еки бошқа таъбир билан "Масъуд қонун", "Планисфера ҳақида рисола" ва бошқалар. Булар орасиде "Жадвали Масъудий" диққатга сазовор бўлиб, у замонасининг ўзига хос астрономик энциклопедияси ҳисобланади. Беруний ер шари ҳажмини ўлчашнинг гоят муҳим усулине амалда таъкид қилган эди. Шу мақсад билан у Хин-

дистонда денгиз сатҳидан 652 чўзим (бир чўзим, тақрибан ярим метр) балаид тоққа чиқиб, ўша ердан уфқнинг пасайишини ўлчади, сўнгра шу бурчак ва тоғнинг баландлиги ердаме билан Ернинг радиусини ва унинг айланасини ҳисоблаб чиқди. Беруний ҳисобининг натижаси ҳозирги замонниқига яқиндир.

Маълумки, ўз даврида астрологиянинг роли анча катта эди. Шунга қарамасдан, Берунийнинг унга нисбатан салбий муносабатда бўлиши характерлидир. "Қуёшнинг бириде, — дейди Беруний, — мен бир киши билан суҳбатда бўлдим. Бу киши бўладиган воқеаларни юлдузларга қараб айтиш санъати бўйича ўзини энг машҳур ва билимдон деб ҳисобларди. У юлдузларнинг вазиятига қараб кишининг толей-оқибатини аниқламоқчи бўлиб, ўзининг нодонлигидан юлдузларнинг вазияти ва ўзаро муносабати кишига ва содир бўладиган ҳодисага таъсир қилади, деб чинакам ишонар ва шунинг учун ҳам бунинг натижасини излаш билан машғул эди".

Берунийнинг илмий жасорати, айниқса, Қуёш системаси тузилишининг бош масалаларини текширишда жуда яққол ошқор бўлди, яъни у бу тўғридаги геоцентриқ ва гелиоцентриқ системалари тушунчаси тенг ҳуқуққа эга, деган дадил ҳулосага келди. Бу эса ўша замон учун фанда қўйилган гоят жасоратли, инқилобий қадам эди.

Ўрта Осиёдан чиққан олимлар орасиде, айниқса, Мирзо Улуғбекнинг роли ва унинг жаҳон фани хазинасига қўшган ҳиссаси гоят муҳим ва каттадир. Мирзо Улуғбек бошдан-оёқ шарият қонунларига берилган отаси Шохруҳдан кўп диндан фарқ қиларди. Хиротде Шохруҳ ўз атрофига руҳонийларни йиғиб олиб, эркин фикр

тадқиқот ишлари "Янги астрономик жадваллар" еки "Зиччи Улуғбек" номи билан машҳурдир.

Улуғбекнинг юлдузлар жадвали ўз ичига 1018 юлдузни олади. Унинг энг муҳим ҳиммати шундаки, жадвал кўп йиллар мобайнида асосан Самарқанд обсерваториясида бевосита бажарилган кузатишлари натижасиде тузилган. Ҳолбуки, Улуғбекдан илгариги жадвалларнинг асоси Птоломей жадвалидан олинган. Машҳур юнон олими Гиллархдан кейин ўн олти аср мобайнида вужудга келган янги юлдузлар жадвали фақат Улуғбекникидир. Шунингдек сайёраларнинг йиллик ҳаракатини ва астрономияда катта роль ўйнайдиган ўзгармас миқдорларни аниқлашда ҳам Улуғбек мактаби илгор, пешқадам ўрин тутган.

Улуғбекнинг фаолияти ҳамма вақт реакция руҳонийларнинг таъкибиде бўлиб, уларнинг олимга қарши юритган иғволари кундан-кун кучайиб боради. Ниҳоят Мирзо Улуғбек ўғли Абдулатиф реакция руҳонийларнинг ва умуман Улуғбек душманларининг иғволари таъсири остида отасини ўлдирмоқчи бўлади. Буни амалга ошириш учун реакция руҳонийлар томонидан хоинона режа тузилади. Мирзо Улуғбекдан маҳфий суратда унинг устидан суд бўлиб, олимни ўлдирш учун фатво берилади. Хуллас, 1449 йил 27 октябрда Мирзо Улуғбек 56 ёшида хоинона ўлдирилди.

Ушбу сатрлар муаллифи раҳбарлиги остида ташкил этилган экспедиция 1941 йилнинг 18 июнида Мирзо Улуғбекнинг Амир Темур мақбарасидеги қабрини очган эди. Натижада, шахид бўлган олимнинг шариятга мувофиқ ўз кийимлари билан қўмилганлиги ва бўйин суякларининг ўткир қилич билан кесилганлиги маълум бўлди.

Ўрта Осиёда Мирзо Улуғбекнинг таъкиб қилиниши ва хоинона ўлдирлиши тасодифий эмасдир. Башарият тарихиде ҳамма вақт реакция ва тараққийпарвар кучлар орасиде кураш давом этиб келди. Масалан, Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Носир Хисрав каби Ўрта Осиёнинг машҳур олим ва мутафаккирлари, шунингдек, Оврўпонинг Жордано Бруно, Галилей, Коперник каби йирик олимлари ҳаммиша реакция томонидан таъкиб қилиниб, сарсонлиқда умр кечирганлар. Шунинг учун Мирзо Улуғбекнинг хоинона ўлдирлиши реакция ва прогрессив кучлар орасидеги курашнинг ўша вақтда кескин тус олганини кўрсатади.

Мирзо Улуғбек ўлдирилгандан кейин феодаллар ўртасидеги фожияли ўзаро урушлар жуда ҳам кучайиб кетади. Реакция кучлар устун чиқадилар. Бу Абдулатиф руҳонийлар ва феодал аристократларнинг ишончи ҳомийси эди. Халқ бошига янада оғир қулфатли қушлар тушди, чунки Абдулатиф мустабид режим ўрнатди, ўз мухолифларини шафқатсиз қириб ташлади. Халқнинг турли табақалари орасиде қарама-қаршилик зўрайди ва синфий курашлар кучайди... 1450 йил 8 майдаги харбий фўтна натижасиде Абдулатифнинг ўзи ҳам ўлдирилди. Унинг кесилган калласи Самарқанддаги Регистон майдоннда Мирзо Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганимизда, Самарқанддаги маданий ҳаёт аста-секин сўна борди, реакция ислом ақидалари тантана қилди. Бирмунча фан ва маданият арбоблари Хиротта — Султон Хўсайнинг саройига кетишди...

Хирот аста-секин Ўрта Осиёнинг маданий марказига айлана борди. XV асрнинг иккинчи ярмида бу ерда адабиёт ва санъат, бинокорлик, мусика, ҳусниҳат, миниатюра санъати ривожланди. Кўпгина шоирлар — Жомий, Навоий, Ҳатифий, Ҳилолий, Биноий, машҳур расом Бехзод, талантили мусикачилар Қулмуҳаммад Шайхий, Шоҳқулий ва бошқалар ўша даврда яшаган ва ижод қилган. XVI асрнинг бошларида бутун Ўрта Осиёда ҳокимият Шайбоний қўлига ўтди ва мамлакатда сиёсий аҳвол кескинлашди. Узоқ йилларга чўзилиб кетган феодал урушлар мамлакат ҳўжалигини хароба ҳолга келтирди.

Аҳволнинг оғирлигидан Мирзо Улуғбек обсерваторияси моддий жиҳатдан ердасиз қолди. Бунинг устига реакция руҳонийлар уни харобага айлантиришга уриниб, обсерваториянинг мрамар тошларини ва гиштларини бузиб олишга ва уларни бошқа биноларга ишлатишга руҳсат берди. Натижада, XVI асрнинг бошларида обсерватория вайрона ҳолга келди, Мирзо Улуғбекнинг астрономик мактаби тарқалиб кетди. Бу ҳол тасодифий бўлмай, балки феодализм даврининг қонуний оқибатидир.

Ҳа, олис юлдузлар шуъласи Мирзо Улуғбекнинг хур фикрлари, илгор гоялари, бизнинг давримизда чуқур ўрганилмоқдаки, уларнинг шуъласи барча халқларнинг мулки бўлиб қолди.

М. БАДАЛОВ,
Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи доценти, педагогика фанлари номзоди.

МАҲАЛЛА
ОБОДЛИГИ —
ЮРТ ОБОДЛИГИ

КЕЙИНГИ йиллар ичиде Мирзо Улуғбек тумани маҳаллаларида ободончилик, аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларни озода, саранжом-сарийшта туттиш, хиёбонлар, кўчалар чеккаларини ободонлаштириш борасиде бир қатор ишлар қилинди. Хўсусан, халқимизнинг анъанавий байрамлари, "Наврўз", ҳайит айёмлари, мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасиде маҳаллалар қўмиталари раислари, фаоллар бошчилигида кўчалар, хонадонлар атрофлари чиқиндилардан холи этилиб, тартибга келтирилди. Маҳаллаларда бошқа тадбирлар ҳам анча сермазмун ўтмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган республика "Маҳалла" ҳайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг раёсат мажлисида жамғарманинг туман бўлиммаси раиси Сайфулла Оқмирзаев ҳисоб берад экан, эришилган ана шу ютуқлар билан бирга, мавжуд камчиликларга ҳам батафсил тўхтади.

Сўнги пайтларда қадимий ариқлар сувидан маҳаллалар аҳли етарлича баҳраманд бўлмаяпти. Бу эса қўқаламзорлаштириш ишларини йўлга қўйишда мушкулликлар туғдирмоқда. Баланд иморатлар қуриш чоғида Яланғоч, Оққўрғон ариқлари ёпилиб, ноқор аҳволга тушиб қолди. Туман маҳаллаларида ёшлар тарбияси билан ҳам изчил шуғулланилмай, деб бўлмайди. Жиноятчилик, безориликнинг олдини олиш борасиде ҳам маҳаллалар қўмиталари фаолроқ ишлашлари керак бўлади.

Йиғилишда Мирзо Улуғбек тумани маҳаллалари фаолиятидаги ана шу нуқсонлар ҳали бошқа маҳаллаларда ҳам мавжудлиги қайд қилиниб, "Маҳалла" жамғармаси туманлар бўлимлари эътибори бундан буён ҳам аҳоли истиқомат жойларини сарийшта туттиш, "Энг обод маҳалла, кўча", "Энг саранжом ва озода хонадон" кўрик танловларини ўтказиб туриш, ёшлар тарбиясини йўлга қўйишда маҳалла фаоллари, участка инспекторлари билан ҳамжиҳатликда иш юритишга қаратилди.

О. ҲУСАНОВ.

ОҚИНЛАР
АЙТИШУВИ

Юқоричирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалиги маданият саройида туман маданият бўлими ва ҳўжалик бошқаруви ташаббуси билан оқинлар айтишуви бўлиб ўтди. Унда танлиқ оқинлардан қибрайлик Меккембой Умаров, чимкентлик Пўлат Қолибоев, чирчиқлик Аширмат Мусаев, юқоричирчиқлик Нурхон Тўймекулова, Гўлнора Алимбоева, Шалкар Ўтербоев, Суннат Холхўжаевлар қатнашдилар.

Шунингдек, томошабинлар Динара Жуланкулова, Ашим Ўринқуловлар томонидан ижро этилган қуй-қўшиқлар, термаларни ҳам завқ билан тингладилар. Янгибозорлик шоир Файзулла Жумақулов ўзининг янги шеърларини ўқиб берди.

Томоша сўнгиде оқинларга совғалар топширилди.

И. ХОЛТУРСУНОВ.



БАЛЛИ, ЧИНОЗЛИК ТАЛАБАЛАР • ИСМИ БИЛАН ЧАҚИРИШ — ОДОБСИЗЛИК САНАЛАДИ • ТИЛЛА БУЮМЛАРНИ КИМ ОЛДИ? • ШАМСИЯ КЕРАК БЎЛАДИМИ?

• Халқ йўлида

БОЙБУВАНИНГ ҚИЗИ БОР

Бойбуванинг қизи бор,
Бир кўришга барча зор.
Жаллод унинг кўзлари,
Қирқ кокили қирқта дор.

Шоҳсанамим, оҳ санам!
Исминг-дилдаги ярам!
Сўрармисан ҳеч сен ҳам:
"Ҳолинг на, деб, бечорам!"

Жоним ўртар жонон деб,
Ўтовимга ой бўлса.
Мен ўтирсам беклардек
У эгилиб чой берса.

Мен елғизман шунчалар,
Бўйимдай буй топилмас.
Бўйимдай буй топсам гар,
Ўйимдай ўй топилмас.

Сулувликда у елғиз:
Дилфруздир чиройи.
Дунёда йўқ ундай қиз —
Ҳамма қиздан чиройи.

Кўйида бўлдим хор-зор,
Шўрлик дилим навосиз.
Ҳамма дардга даво бор,
Ишқ дардидир давосиз.

Достон бўлурмиз биз ҳам,
Ҳижронда кун ўтқариб.
Шаҳсанамдай сен, санам,
Ғариб мисол мен ғариб.

Бойбуванинг қизи бор,
Қирқ кокили қирқта дор.
Жондан кечдим, ёронлар,
Унга бўлдим харидор.

МЕНИНГ ҚУШИМ

Кўх бағрида чарх урар,
Чарх уриб учар қушим.
Девона деб ўйламанг,
Қушимда менинг ҳушим.

Оппоқ қушим — баётим,
Куй деб кечмиш ҳаётим.
Нетай йўқдир қанотим,
Пастдан термулмак ишим.

Толмай сира қанот қоқ,
Юксаклардан мента боқ.
Қисматимдан баландроқ
Умид-нишонам, қушим!

Суйиб-суйиб, ох, дод-а,
Куйиб бўлдим афтода!
Энди йўқдир дунёда
Сендан яқинроқ кишим.

Келди-кетди баҳорлар,
Кулди-ўтди дилдорлар.
Янграётган "ер-ёр"лар
Ширин тушим, ох, тушим!..

Мовий кўкда чарх уриб,
Учиб юрадир қушим.
Девона деб ўйламанг,
Қушимда менинг ҳушим...

Ихтиёр ШОКИР ўғли,
Пискент тумани.

• Мамлакатлар, одамлар, одатлар

КОРЕЙСЧА НОМЛАР

Корейс номлари доимо учта хитой иероглифдан ташкил топади, улар учта бугун тарзда айтилади. Биринчи иероглиф фамилияни, қолган иккитаси исмини англатади, улардан бири кўпинча авлодни билдириб туради.

Кореяда 300 га яқин фамилия бор, лекин аксарият аҳоли улар орасидан энг кенг тарқалган бир неча фамилия билангина кифояланиб келмоқда. Ким, Ли, Пак, Ан, Чан, Чо, Чхве, Чонг, Хан, Кан, Ю ва Юн энг кўп учрайдиган фамилиялардир. Корейс аёллари эрга тегса фамилиясини ўзгартирмайди. Корейслар бир бирларининг отини айтиб чақирмайдилар. Ҳатто ака-ука ва опа-сингиллар орасида ҳам катталарга исмини айтиб мурожаат қилиш одатдан эмас.

БАЙРАМЛАР ВА МАРОСИМЛАР

Корейслар байрамларни жуда дабабали, тантанавор нишонлайдилар. Мамлакатда энг катта байрам Соль деб аталади. У ой тақвими бўйича йил биринчи ойнинг биринчи куни ҳисобланиб, одатда январнинг охири еки февралнинг

бошига тўғри келади. Бутун оила ясан-тусан кийиниб, биргалашиб ўтган аждодларни эслашади. Маросим тугагач, оиладаги кичиклар анъанавий таъзим бажо қилиб, катталарни табрикляшади, сўнг байрам дастурхони атрофига ўтиришади.

ТЭБОРИМ ҳам тақвим бўйича катта байрамлардан ҳисобланади. У янги йилнинг биринчи тўлини ойи байрамидир. Унда деҳқонлар ва балиқчилар мўл ҳосил ҳамда ов бароридан келишини сўраб ибодат қиладилар. Шу куни алоҳида мусобақалар ўтказилади. ТАНО — бешинчи ойнинг бешинчи куни, бу кун деҳқонлар дала ишларини бир кунга йиғштириб қўйиб, умумий байрамни нишонлайдилар. ЧХУСОК — саккизинчи ойнинг 15-куни — ҳосил байрами, миннатдорчилик куни. Ва ниҳоят БУДДА ТУҒИЛГАН КҮН — тўртинчи ойнинг 8-куни — бу кун руҳонийлар черковларда махсус урф-одатларни бажо келтирадилар, чироқлар еқиб еркин байрам қилишади.

Корейслардаги оилавий байрамлар ҳам ўзига хос. Уларга ҳам муҳим эътибор берилади. Ана шу кунлари катта зиёфат ташкил қилинади. ПЭКИЛ — бола туғилган куннинг 100-куни, ТОЛЬ — туғилишнинг биринчи куни, ХВАНГАН — 60-йиллик юбилей (бунга алоҳида аҳамият берилади, чунки шу куни одам шарқ тақвими бўйича 60 йиллик бурч циклини ўтиб

бўлади). Ва ниҳоят КОХИ — 70 йиллик юбилей.

Кореяда умумхалқ байрамлари сифатида Дарахт ўтказиш байрами — (5-апрель), Болалар куни (5 май), Хотира куни (6 июнь) ҳам кенг нишонланади.

ҲАР КИМ ЎЗ ДИНИГА СИҒИНАДИ

Мамлакатда қадимдан шамонлик, Будда ва Конфуцийга эътиқод кўйганлар. 200 йил муқаддам Кореяга христианлик кириб келди. Ҳозир у энг йирик динлардан ҳисобланади. Мамлакатда ҳисоблар бўйича, корейликларнинг 54 фоизи муайян динга эътиқод қилади, жумлаан 11 миллион 962 минг киши буддага сиғинса, протестантлар 8 миллион 38 минг кишини, католиклар 2 миллион 523 минг кишини ташкил этади. Кореяда 20 мингдан ортиқ мусулмон бор.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси тақдим қилган материаллар асосида тайёрланди.



• Болалар катталарга таъзим бажо қилиб, байрам билан табрикляшмоқда.
• Корейс полковлари

ПУХТА БИЛИМ МЕВАСИ

Чинос туманидаги Ғ. Гулом номи 40-ўрта мактабда 1992 йилдан бошлаб чет тили, алгебра фанларидан лицей синфлар, адабиётдан чуқурлаштирилган синфлар ташкил этилган эди. Бунинг натижаси ёмон бўлмади. Ўтган ўқув йили 50 нафар ўқувчи вилоят олимпиадасида иштирок этди. Ибрат Жумабоев ва Равшан Ориповлар биринчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

1991 йилдан буён республика ойнаи жаҳонда ташкил этилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги "Ўйла! Изла! Топ!" кўрсатувидagi танловда ҳам чинослик иқтидорли ёшлар муваффақиятли қатнашмоқда. Улар ҳар сафар биринчи ўринни эгаллаб ота-оналари ва ўқитувчиларининг нишончини оқладилар. Айни кунларда ўқувчилар октябрда бўладиган навбатдаги ўйинга тайёргарлик кўрмоқдалар.

ЭРОНДА ДУРАНГ

Икки қарра Ўзбекистон чемпиони ва кубок эгаси — Фаргонанинг "Нефтчи" футболчилари Осие кубок эгалари кубоги баҳсида иштирок этишмоқда. Улар сафарда Эроннинг "Сайпа" жамоаси меҳмони бўлишди. Мурсосиз ўтган кескин курашда 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Мухлислар Фарғонада бўладиган такрорий учрашувга катта ишонч билдиришмоқда.

«ПОЛИТОТДЕЛ» —
«ПАХТАКОР» — 0:0

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати иштирокчилари ўртасида бир неча ўйинлар кечиктирилган эди.

СПОРТ

Куни кеча ана шу учрашувлар бўлиб ўтди. Вилоятимиз вакиллари "Политотдел" футболчилари ўз майдонларида Тошкентнинг "Пахтакор" жамоасини қабул қилдилар. Уйинда ҳисоб очилмади. "Янгир" ва МХСК ўртасидаги учрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилди. "Нурафшон" Орол футболчиларини 7:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бугун навбатдаги тур ўйинлари бўлади.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Кикбоксинг бўйича Челябинскда Осие чемпионати бўлиб ўтди. Унда

Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашди. Спортчиларимизга Тошкент тўқимачилик комбинати хомийлик қилди. Натижа ёмон бўлмади. Уердан 2 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медаллари билан қайтидилар. Совриндорлар сафида Тошкент тўқимачилик комбинати вакиллари ҳам бор.

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИДА ҚАТНАШИШАДИ

Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон биринчилиги мусобақаларида қатнашиш учун Туркияга жўнаб кетди.

Баҳодир ОРИПОВ.

Об-ҳаво

ОЙИДА АДАШГАН МОМАҚАЛДИРОҚ

Ўтган ҳафтанинг охири кунда республикамизнинг тоғ ва тоғолди худудларида, айниқса Тошкент вилоятининг худудларида ҳаво кескин ўзгариб, ёмғир қуйди, момақалдироқ бўлди. Харорат бирмунча пасайди. Юқори циклоннинг ҳаракати яна бирикки кун давом этади.

Ҳафтанинг кейинги кунларида вилоятимиз кам булутли бўлади, ёгингарчилик бўлмайди. Шимолий-шарқ томондан секундида 7—12 метр тезликда шамол эсади, кечаси 3—8 даража, айрим жойларда тупроқнинг устки қатламида 0—2 даража совуқ тушади. Кундузи 17—22 даража, ҳафтанинг охирида 17—23 даража иссиқ бўлади.

Т. МУХТОРОВ,
Ўзбекистон гидрометеорология
марказининг бош синоптиги.

Тошкент вилояти Адлия божқармаси жамоаси Тошкент вилояти Бўка тумани суди раиси Худойқул Хўжаевга онаси МУЯССАР ХЎЖАЕВанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бўлган воқеалар

ЎҒРИ ҲАККА

Оҳангаронлик Бувайда Фармонова қўлидаги узукнинг бирини йўқотиб қўйди. Иккисини ечиб, стол устига қўйганини эслади. Ерга кирдим, осмонга чикдим, йўқ. Во ажаб! Ҳовлида ҳеч ким кўринмаган эди-ку. Кир машинани ичкаридан ўчириб чикқунича узук йўқолди. Шу пайт ишқом устида ҳакка пайдо бўлди. У яна стол устига қўнди-да, иккинчисини ҳам озига олиб осмонга кўтарилди. Бувайда "ҳай-ҳай"лаганча қолаверди.

Маълум бўлишича, ҳакка узокдан ялтираб кўринган нарсага ўч бўларкан. Аллаким унинг индан анча-мунча тилла буюмларини ҳам топиб олганлиги ҳақидаги гапларда асос борга ўхшайди.

У. ҲАМИДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
•
TO'SKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир:
Фатхиддин
МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 33-40-48
Эълолар: 33-99-15, 32-57-27.